

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚҮМИТАСИ**

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2020 йил
ЯНВАРЬ-МАРТ**

Андижон – 2020 й.

СЎЗ БОШИ

Андижон вилоятининг статистик ахборотномаси Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва худудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Андижон вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2020 йил январь-март ойлари якунлари бўйича Андижон вилоятининг асосий статистик қўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик қўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev,2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 тахрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари).

Шунингдек, ҳалқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи худудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш қўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқарib ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек Ялпи худудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, демографик ҳолат ва бандлик тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Кисқартма ва шартли белгилар

ЯХМ	—	ялпи худудий махсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн. АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гаектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3)	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР	6-7
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	8-13
II. САНОАТ	14-26
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	27-39
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	40-60
V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	60-67
VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)	68-78
VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	79-93
VIII. ХИЗМАТЛАР	94-100
IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	101-110
X. ИСТЕЙМОЛ БОЗОРИ	111-119
XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	120-127
XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	128-136
XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	137-140

Асосий иқтисодий күрсаткичлар
2020 йил январь-март

	млрд. сұм	<i>2019 ыйл январь-мартаға нисбатан фоиз хисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	5 995,3	106,3
Саноат маҳсулоти	8 592,3	110,8
Истеъмол товарлари	6 379,7	113,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 923,4	104,4
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1 162,1	97,2
Курилиш ишлари	791,7	106,1
Юк айланмаси (<i>млн. тн-км</i>)	175,4	100,6
Йўловчи айланмаси (<i>млн. йўловчи-км</i>)	2 759,7	101,7
Чакана товар айланмаси	3 139,0	101,5
Хизматлар, жами	2 604,6	111,1
Ташқи савдо айланмаси (<i>млн. АҚШ доллари</i>)	663,3	104,0
Экспорт	125,0	119,3
Импорт	538,3	101,0
Сальдо (+;-)	-413,3	x

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича вилоятнинг
Республикадаги улуши**

	Ўзбекистон Республикаси		Андижон вилояти		Андижон вилоятининг Республикада улуси, % хисобида	
	млрд. сўм	2019 йил январь- мартга нисбатан ўсиш суръати, % хисобида	млрд. сўм	2019 йил январь- мартга нисбатан ўсиш суръати, % хисобида	2019 йил январь- маргда	2020 йил январь- маргда
Ялпи ички (худудий) маҳсулот	110 517,8	104,1	5 995,3	106,3	5,2	5,4
Саноат маҳсулоти	82 229,5	104,0	8 592,3	110,8	10,6	10,4
Истеммол товарлари	22 910,1	111,2	6 379,7	113,9	29,2	27,8
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари	25 228,5	103,9	1 923,4	104,4	7,9	7,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	33 387,3	89,8	1 162,1	97,2	3,0	3,6
Курилиш ишлари	15 462,4	106,5	791,7	106,1	4,6	5,1
Чакана савдо товар айланмаси	40 127,3	103,8	3 139,0	101,5	8,1	7,9
Хизматлар, жами	50 365,7	109,9	2 604,6	111,1	5,1	5,2
Экспорт (млн. АҚШ. долл)	3 374,7	89,1	125,0	119,3	2,8	3,7
Импорт (млн. АҚШ. долл)	4 765,7	90,3	538,3	101,0	10,1	11,3

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 5 995,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан 6,3 % га ўсили.

Ялпи ҳудудий маҳсулот

(2020 йил январь-март ҳолатига, фоиз тақъослама нархда)

	млрд. сўм		2019 йилнинг январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	

I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	4 808,2	5 995,3	106,3
---------------------------------------	----------------	----------------	--------------

шу жумладан:


II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4 578,1	5 634,1	106,3
----------------------------------------------------	----------------	----------------	--------------

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	951,4	1 140,0	104,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 746,8	2 197,1	110,1
саноат	1 485,6	1 841,5	110,8
курилиш	261,2	355,6	106,1
Хизматлар	1 879,9	2 297,0	103,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	425,8	501,2	104,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	362,6	415,8	7,9
бошқа хизматлари	1 091,5	1 380,0	103,2
Маҳсулотларга соғ солиқлар	230,1	361,2	107,7

ЯҲМ - ҳудуднинг ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич. ЯҲМ иқтисодий моҳиятига қўра ЯИМ га тенг кўрсаткич ҳисобланади, яъни у ушибу ҳудуднинг резидентлари бўлган иқтисодий бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишилаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийиматини ифодалайди.

Андижон вилояти иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш суръати –110,8 % (ЯҲМ таркибидағи улуши – 32,7 %), курилиш – 106,1 % (6,3 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар –104,0 % (8,9 %), ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа – 104,8 % (7,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,2 % (24,5 %) ни ташкил этди.

ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари (фоизда)




Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 94,0 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 6,0 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,6 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 20,2 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган холда) тармоғининг улуши 0,6 % пунктга ўсида ва 6,3 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2020 йилнинг январь-мартида 40,8 % ни ташкил этди ва 2019 йилнинг тегишли даври (41,1 %) билан таққосланганда 0,3 % пунктга камайди.

Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)




Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуси – 8,9 % ни (2019 йил январь-март 9,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 7,4 % ни (7,9 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 24,5 % ни (23,9 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**

2019 йил январь-март



2020 йил январь-март



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар


2020 йилнинг январь-март ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи худудий маҳсулот аҳоли жон бошига 1913,2 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг (1565,1 минг сўм) мос даврига нисбатан 4,3 фоизга ўсди. Шу билан бирга вилоятда йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллаши оқибатида ЯҲМда кичик бизнес улуши 56,1 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ динамикаси

	<i>2019 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март</i>	<i>Ўсии суръати, %</i>
Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми, минг сўм			
	1 565,1	1 913,2	104,3

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Андижон вилоятининг қўшган хиссаси 5,4 % ни ташкил этди.

ЯИМда Андижон вилоятининг улуши, фоизда



Ялпи ички (худудий) маҳсулот
январь-март ҳолатига

	ЯҲМ млрд. сўм			Аҳоли жон бошига, минг сўм		
	2019 йил	2020 йил	%	2019 йил	2020 йил	%
Ўзбекистон Республикаси	93 101,6	110 517,8	104,1	2 794,5	3 253,3	102,0
Қорақалпоғистон Республикаси	3 426,4	3 955,1	103,9	1 829,7	2 080,4	102,4
Андижон	4 808,2	5 995,3	106,3	1 565,1	1 913,2	104,3
Бухоро	4 298,8	4 908,0	105,1	2 265,5	2 547,6	103,5
Жиззах	2 231,4	2 631,5	104,6	1 646,4	1 899,6	102,3
Қашқадарё	5 218,8	5 804,6	100,6	1 621,1	1 765,9	98,5
Навоий	7 214,5	9 383,2	103,7	7 352,8	9 394,5	101,8
Наманган	3 332,7	4 236,9	108,6	1 208,3	1 504,4	106,3
Самарқанд	5 712,8	6 733,5	103,6	1 500,8	1 733,2	101,5
Сурхондарё	3 232,4	4 078,0	107,1	1 255,1	1 547,7	104,7
Сирдарё	1 843,0	2 025,2	102,5	2 216,5	2 388,3	100,5
Тошкент	9 509,6	11 578,9	104,4	3 276,1	3 929,5	102,9
Фарғона	5 716,2	6 576,3	104,0	1 549,4	1 749,5	102,1
Хоразм	3 101,4	3 726,9	105,2	1 687,0	1 993,7	103,4
Тошкент ш.	15 950,5	19 745,4	106,2	6 339,4	7 655,3	103,6

II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2020 йил январь-март ойларида 8 592,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йилнинг йилнинг январь-март даврига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси 110,8 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 6 379,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 113,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, 459,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 5 913,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йилнинг январь-мартига нисбатан мос равишда 104,9 фоиз ва 114,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2020 йил январь-март ойларида)

	млрд. сўм
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	8 592,3
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	24,8
ишу жумладан:	
нефть- газ, кўмир, лигнит қазиб олиш	17,7
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолияти	3,8
тоғ-кон саноати соҳасида хизмат кўрсатиш	3,4
Қайта ишлаш саноати	8 411,5
ишу жумладан:	
озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	527,2
пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1 295

ёғоч ва пўқак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	1,8
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,6
мебель ишлаб чиқариш	36,8
кимёвий маҳсулотлари, резина ва пастмасса буюмлар ишлаб чиқариш	139,8
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	74,8
фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1,9
металлургия саноати	10,4
тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	58,6
электрон ва оптика, электр товарлар ишлаб чиқариш	132,2
автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	6 115,8
бошқа турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	11,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	135,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	20,7
<i>шу жумладан:</i>	
сув таъминоти, оқава сув	13,6
чиқиндилар йиғиш, утилизация қилиш ва бошқа маҳсулотлар	7,1

*Саноатда ишлаб чиқарининг физик ҳажм индекси - ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган давридаги ўзгаришини тафсифловчи нисбий кўрсатгичdir.

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби
(2020 йил январь-март, млрд. сўмда)



Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 97,9 фоизга ўсиши ҳисобланганда, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашнинг 0,3 фоизга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 1,6 фоизга ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилярни утилизация қилишнинг 0,2 фоизга кўпайганлигини кузатиш мумкин.

Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди. Умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуидагича тавсифланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми ишлаб чиқарадиган (қайта ишлайдиган) корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 97,9 фоизни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ошишига электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари ҳам хисса қўшди. Уларнинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 1,6 фоизни ташкил этди.



Тоғ кон саноати ва очиқ конларни ишлаш. Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 24,8 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,3 фоизи)ни ташкил этди.



Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати) 2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 8 411,5 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 97,9 фоизи) ни ташкил этди.



Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 135,3 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,6 фоизи)ни ташкил этди.



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш. Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 20,7 млрд. сўм (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,2 фоизи) ни ташкил этди.

**Вилоятда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(январь-март ойларида)**

Ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари	Ўлчов бирлиги	2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	2019 йил январь- март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар
Енгил автомобиллар (ихтисослаштирилмаган)	дона	61 195	47 167
Пахтадан йигирилган ип	тн.	6 341,4	5 326,1
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар, сувли ва сувсиз муҳитида	тн.	477,6	531,1
Табиий газ	млн. куб метр	42,8	13,2
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	тн.	1 606,0	4 412,7
Алюминийдан электр изоляциясиз ўралган сим, пўлат арқонлар, тўқилган шнурлар ва шу каби буюмлар	тн.	186,1	55,3
Арок – (спирт 100 %)	минг л.	170,0	215,5

**2020 йил январь-март ойларида вилоятда ишлаб чиқарилган
автомобиллар сони, дона**




Ишлаб чиқарилган автомобиллар түри	2020 йил январь-март ойларида (дона)	2019 йил январь-март ойларида (дона)
SPARK	8 256	4 760
NEXIA T 250	20 721	15 683
COBALT	17 759	12 836
GENTRA	14 459	10 442
MALIBU	-	2 286
CAPTIVA	-	6
TRACKER	-	1 154
Жами	61 195	47 167

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Андижон вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Андижон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Асака тумани (Андижон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 62,7 % улушини), Андижон шаҳар (15,9 %), Хонобод шаҳар (3,3 %), Шахрихон тумани (2,3 %), Олтинкўл тумани (2,1 %) ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга энг кам улуш Улугнор (0,9 %) туманига тўғри келди.

Худудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси, % да
(2020 йилнинг январь-март ойларида)



**Худудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йилнинг январь-март ойларида)**


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, %</i>
Вилоят бўйича:	8 592,3	110,8
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	1 365,7	116,3
Хонобод	285,2	117,9
<i>туманлар:</i>		
Андижон	175,1	101,6
Асака	5 387,2	112,0
Балиқчи	118,6	101,6
Бўстон	82,6	207,7
Булоқбоши	81,9	135,6
Жалакудук	101,4	101,0
Избоскан	127,5	102,0
Улуғнор	79,2	126,5
Марҳамат	88,3	103,3
Олтинкўл	176,3	105,9
Пахтаобод	90,6	135,3
Хўжаобод	112,2	101,8
Шаҳрихон	197,2	103,3
Кўргонтепа	123,2	114,7

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида, вилоятда 2020 йилнинг январь-март ойларида жами 8 592,3 млрд. сўмга тенг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шаҳар ва туманлар кесимида юқори ҳажм Асака туманида 5 387,2 млрд. сўм, Андижон шаҳрида 1 365,7 млрд. сўмни, Хонобод шаҳрида 285,2 млрд. сўмни, Андижон туманида эса 175,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2741,9 минг сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 108,6 % ни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Асака туманида 16 504,8 минг сўм, Хонобод шахрида 6 694,3 минг сўм, Андижон шахрида 3 084,9 минг сўм бўлиб, ўртача вилоят даражаси кўрсаткичи (2 741,9 минг сўм)дан юқорилигини кўрсатмоқда.

**Худудлар бўича аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқариш ҳажми
(2020 йил январь-март, минг сўмда)**



Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш

Ҳисобот даврида 6 379,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 113,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, 459,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 5 913,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йил январь-март ойларига нисбатан мос равища 104,9 фоиз ва 114,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 6 379,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 113,9 фоизга ўсиши таъминланди, жами саноатдаги улуши эса 74,2 фоизни ташкил этди.


Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати

	2019 йил январь-март	2020 йил январь-март	2019 йилнинг январь- мартига нисбатан фоизда
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, млрд. сўм	5 600	6 379,7	113,9
<i>ишу жумладан:</i>			
озиқ-овқат товарлари	438,5	459,9	104,9
ноозиқ-овқат товарлари	5 154,8	5 913,2	114,7
ароқ, вино маҳсулотлари	6,6	6,6	99,0


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариши ҳажмига нисбатан, фоизда)

2019 йил январь-март




2020 йил январь-март




■ Ноозик-овқат товарлари ■ Озиқ-овқат товарлари ■ Ароқ вино маҳсулотлари

**Худудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги
улуши, % да**
(2020 йилнинг январь-март ойларида)



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь-март ойлари)



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йилнинг январь-март ойларида 364,5 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш ҳажмларининг ўсиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ўсишининг ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади.

Маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари

	<i>2019 йил январь-март</i>	<i>2020 йил январь-март</i>
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	62	246
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	34	136
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	1 345,8	364,5
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	11,6	0,4
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	29	335

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 1 515,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 17,6 фоизни ташкил этди.


III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 1 923,4 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик 1 758,5 млрд. сўмни (104,5 фоиз), овчилик 0,1 млрд. сўмни (100,4 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 144,0 млрд. сўмни (101,8 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 20,8 млрд. сўмни (113,5 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми ва ўсиш суръатлари (2020 йилнинг январь-мартида)

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Вилоят бўйича:	1 923,4	104,4
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	134,5	100,6
Хонобод	21,2	101,5
<i>туманлар:</i>		
Андижон	141,3	105,0
Асака	190,8	104,7
Балиқчи	120,2	102,9
Бўстон	51,4	106,5
Булоқбоши	130,3	102,2
Жалақудук	142,8	103,3
Избоскан	133,9	103,4
Улуғнор	61,3	109,5
Марҳамат	153,9	105,1
Олтинкўл	113,0	104,1
Пахтаобод	120,5	105,3
Хўжаобод	79,3	106,0
Шаҳрихон	190,4	105,7
Қўрғонтепа	138,6	105,6

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг
ҳажми ва ўсиш суръатлари
(2020 йилнинг январь-мартида)**




Хусусан юқори ўсиш суръатлари Улуғнор туманида (109,5 фоиз), Бўстон (106,5 фоиз) туманларида кузатилди. Ҳонобод (101,5 фоиз) ва Андижон (100,6 фоиз) шаҳарларида эса аксинча паст суръатлар кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лар

ҳажмида ҳудудларнинг улуси, % да

(2020 йилнинг январь-мартида)




Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 104,5 фоизни, шу жумладан, дехқончилик маҳсулотлари 104,2 фоизни ва чорвачилик маҳсулотлари 104,5 фоизни ташкил қилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 89,6 фоиз), фермер хўжаликларида (умумий ҳажмга нисбатан 8,8 фоиз), қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларда эса (умумий ҳажмга нисбатан 1,6 фоиз).

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2020 йил январь-март)




2020 йилнинг январь-март ойларида 1 754,5 млрд. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ушбу ҳажмнинг 121,6 млрд. сўмга тенг қисми ёки 6,9 фоизи дехқончилик, 1 632,9 млрд. сўмга тенг қисми ёки 93,1 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келади.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг
хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 89,6 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 8,8 фоизи фермер хўжаликларига, 1,6 фоизи қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида, % ҳисобида
(2020 йилнинг январь-мартида)



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил килинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча туман ва шаҳарларда дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари хиссасига тўғри келиши кузатилди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК



2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 121,6 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 104,2 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 6,9 фоизни ташкил қилди.

Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда дехқон хўжаликларининг салмоғи юқори бўлмокда, жумладан жами етиштирилган сабзавотнинг ҳиссасига 105,7 фоизи, тўғри келди.

Ҳосилни йигиб олиш. 2020 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан жами сабзавот 3 481 тонна (105,7 фоизга), етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


(2020 йилнинг январь-март ойларида)

	Жами етиштирилган	шу жумладан:						
		Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ималга оширувчи ташкилотлар		
		тонна	ўсии суръати, фоизда	тонна	ўсии суръати, фоизда	тонна	ўсии суръати, фоизда	
Сабзавотлар	3 481,0	105,7	375,0	108,7	2 804,0	104,5	302,0	113,1

**Худудлар кесимида асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини
ишлаб чиқариш**
(2020 йилнинг январь-март ойларида)



**Асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини
ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши, % да**



ЧОРВАЧИЛИК



Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчилилк билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-куватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2020 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1 632,9 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 93,1 фоизни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


	Жами		Фермер хўжаликлари		шу жумладан:		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	милодори	ўсии суръати, фоизда	милодори	ўсии суръати, фоизда	милодори	ўсии суръати, фоизда	милодори	ўсии суръати, фоизда

Гўшт тирик вазнда, тонна								
Сут, тонна	39 751,0	104,5	1 488,0	114,9	37 858,0	103,9	405,0	136,4
Тухум, минг дона	99 965,0	104,5	5 818,0	110,4	92 935,0	104,0	1 212,0	122,9
	52 125,0	108,1	12 875,0	118,5	28 664,0	104,0	10 586,0	107,9


2020 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 39 751 тонна гўшт (2019 йилнинг шу даврига нисбатан 104,5 фоиз), 99 965 тонна сут (104,5 фоиз), 52 125 минг дона тухум (108,1 фоиз)

**Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини
ишлаб чиқариш**

(2020 йилнинг январь-март ойларида)



Тухум (минг дона)




2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 1 048,1 минг бош (101,1 фоизни), шу жумладан сигирлар 357,4 минг бош (100,1 фоизни), қўй ва эчкилар 1 440,0 минг бош (101,1 фоизни), паррандалар 7 654,0 минг бош (106,2 фоизни) ташкил қилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони (2020 йил 1 апрель ҳолатига)

	Жами		Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсии суръати, фоизда	минг бош	ўсии суръати, фоизда	минг бош	ўсии суръати, фоизда	минг бош	ўсии суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	1 048,1	101,1	49,2	112,8	991,7	100,6	7,2	101,8
шу жумладан:								
сигирлар	357,4	100,1	17,3	102,4	337,6	100,0	2,5	104,2
Кўйлар ва эчкилар	1 440,0	101,1	78,9	123,1	1 353,7	100,1	7,4	90,2
Паррандалар	7 654,0	106,2	1 045,0	125,5	5 435,0	100,6	1 174,0	121,3

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлирида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,6 фоизни, фермер хўжаликлирида 4,7 фоизни, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида 0,7 фоизни, ташкил этди, сигирлар мос равишда 94,5 фоизни, қўй ва эчкилар 94,0 фоизни, паррандалар 71,0 фоизни ташкил қилди.

Хўжалик тоифаларининг чорва моллари ва паррандалар бош сонидаги улуши, фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари

Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари


Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

**Худудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони
(2020 йил 1 апрель ҳолатига)**

Йирик шохли қорамоллар (минг боши)



Қўйлар ва эчкилар (минг боши)



шу жумладан сигирлар (минг боши)



Паррандалар (минг боши)



Фермер хўжаликлари. 2020 йилнинг январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 120,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 8,0 фоизни ташкил этди.

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатида фермер хўжаликларида 49,2 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 17,3 минг бош сигир, 78,9 минг бош қўй ва эчкилар, 1 045,0 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2019 йил январь-март ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 112,8 фоизга, қўй ва эчкилар 123,1 фоизга, паррандалар 125,5 фоизга кўпайган.

**Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги
қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
(2020 йил январь-март ҳолатига)**

	2019 йил январь-март		2020 йил январь-март		2019 йилнинг январь- мартига нисбатан фоиз ҳисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидағи улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидағи улуши, фоиз	
Сабзавот	345,0	10,6	375,0	10,8	108,7
Гўшт, тирик вазнда	1 295,0	3,9	1 488,0	3,7	114,9
Сут тонна	5 269,0	5,5	5 818,0	5,8	110,4
Тухум, минг дона	10 865,0	22,5	12 875,0	24,7	118,5


IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2020 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1 198,8 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, шундан хорижий инвестиция ва кредитлар 482,1 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,3 % ни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар (2020 йил январь-март ойларида)

	Жами		<i>шу жумладан қурилиши- монтаж ишлари</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>млрд. сўм</i>	<i>жамига нисбатан улуши, фоизда</i>
Вилоят бўйича:	1 198,8	100,3	435,0	100,0
шаҳарлар:				
Андижон	350,8	84,4	143,0	33,0
Хонобод	37,2	112,3	3,6	0,8
туманлар:				
Андижон	59,3	75,8	32,7	7,6
Асака	81,6	179,0	27,5	6,3
Балиқчи	24,7	73,8	19,3	4,4
Бўйстон	19,0	50,2	3,5	0,8
Булоқбоши	28,2	123,7	12,8	3,0
Жалақудук	25,2	69,2	9,5	2,2
Избоскан	75,5	93,6	12,3	2,8
Улугнор	55,0	110,2	11,7	2,7
Марҳамат	36,0	117,9	27,1	6,2
Олтинкўл	38,5	89,8	13,2	3,0
Пахтаобод	41,7	2,8 м.	11,4	2,6
Хўжаобод	181,8	3,1 м.	77,6	17,8
Шаҳрихон	41,5	69,4	15,8	3,6
Кўрғонтепа	102,8	65,9	14,0	3,2

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда
(2020 йил январь-март)**




Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Хўжаобод тумани (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 3,1 мартаға кўпайган, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 181,8 млрд. сўм) ҳамда Пахтаобод тумани (2,8 мартаға ошган, 41,7 млрд. сўм) туманларида кузатилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича шаҳар ва туманлар кесимида Андижон шаҳар етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 84,4 фоизи ўзлаштирилди.

Шунингдек, Андижон шаҳар жами инвестициялар ҳажмидан 29,3 фоизини, Хўжаобод тумани 15,2 фоизини ташкил этмоқда. Кўргонтепа ва Асака туманларида ушбу қўрсаткич мос равища 8,6 фоизи ва 6,8 фоизини ташкил этди.

Балиқчи туманида ва Бўстон туманида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг вилоятдаги улуши 2,1 фоизи ва 1,6 фоизини ташкил этди.

Ахоли жон бошига киритилган инвестициялар
(2020 йил январь-март ойларида)



2020 йилнинг январь-мартида ахоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Хўжаобод тумани (1 657,0 минг сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 9,7 марта кўп), Улугнор тумани (926,5 минг сўм, 7,8 марта кўп) ҳамда Хонабод шаҳрида (872,2 минг сўм, 2,7 марта кўп) қайд этилди.


**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг тақсимланиши**
(2020 йил январь-март)

	млрд. сўм	ўсии суръати, фоизда	якунга нисбатан фоизда
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1 198,8	100,3	100,0
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	132,7	71,9	11,1
бюджет маблағлари	57,9	41,4	4,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	x	x	x
Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	5,5	275,1	0,5
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	69,3	162,1	5,8
Марказлашмаган инвестициялар	1 066,1	105,5	88,9
корхоналарнинг ўз маблағлари	265,8	83,2	22,2
аҳоли маблағлари	173,6	104,3	14,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	412,8	231,9	34,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	213,9	61,7	17,8

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган
ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(фоиз ҳисобида)**


2019 йил январь-март

2020 йил январь-март




Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажми 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 71,9 фоизни ташкил этиб, 132,7 млрд. сўмга етди. Жами инвестициялар ҳажмида эса марказлашган молиялаштириш манбаалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажмининг улуши 11,1 фоиз (2019 йил январь-мартида 15,5 фоиз) ни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари
(январь-март жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда)



Шундан, бюджет маблағлари 57,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 41,4 фоизни ташкил қилди. (умумий ҳажмдаги улуши 4,8 фоиз), сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси 5,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 марта кўп фоизни ташкил этди (умумий ҳажмдаги улуши 0,5 фоиз), Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги ҳорижий инвестиция ва кредитлар 69,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 162,1 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 5,8 фоиз).

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари
(январь-март жами инвестиялар ҳажмидаги улуши, фоизда)



Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 1 066,1 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,5 фоизни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 88,9 фоиз) ташкил этди. Шундан жами инвестициялар ҳажмида энг кўп улуш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, 412,8 млрд. сўмни ташкил этди, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 марта ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 34,4 фоиз), корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 265,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 83,2 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 22,2 фоиз), ахоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 173,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,3 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 14,5 фоиз), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 213,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 61,7 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 17,8 фоиз).

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	Шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича: (жами нисбатан, фоиз)					
		Республика бюджети	Корхона ва ахоли маълази	Тижорат банк кредитлари ва бонка қарз маълазлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланини ва таракқиёт жамғармаси	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривоҷлантириши жамғармаси
Вилоят бўйича:	1 198,8	4,8	36,7	17,8	40,2	-	0,5
шахарлар:							
Андижон	350,8	5,5	34,7	27,2	32,6	-	-
Хонобод	37,2	0,4	11,8	1,9	85,9	-	-
туманлар:							
Андижон	59,3	19,1	34,4	28,8	17,7	-	-
Асака	81,6	2,5	36,3	8,4	52,8	-	-
Балиқчи	24,7	4,0	27,4	10,8	57,8	-	-
Бўстон	19,0	1,2	31,2	7,4	60,2	-	-
Булоқбоши	28,2	17,0	28,1	4,2	50,7	-	-
Жалақудук	25,2	5,8	68,8	19,8	5,6	-	-
Избоскан	75,5	10,0	84,9	3,2	1,9	-	-
Улугнор	55,0	1,4	9,0	57,6	32,0	-	-
Марҳамат	36,0	2,3	58,0	13,2	26,5	-	-
Олтинкўл	38,5	2,1	52,0	19,3	12,4	-	-
Пахтаобод	41,7	2,8	32,4	10,6	54,2	-	-
Хўжаобод	181,8	1,5	16,0	6,0	76,5	-	-
Шаҳриҳон	41,5	7,2	59,2	24,4	9,2	-	-
Қўрғонтепа	102,8	0,8	46,9	11,5	40,8	-	-

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби
(2020 йил январь-март)**

	жами	шу жумладан мулкчилек шакллари бўйича:	
		давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	1 198,8	98,0	1 100,8
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100,0	8,2	91,8
курилиш-монтаж ишлари	36,3	75,0	32,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқарии ва хўжалик жиҳозлар	57,2	17,7	60,7
Бошқа ҳаражатлар	6,5	7,3	6,5

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида юқоридаги диаграммада кўрсатиб ўтилганидек, ишлаб чиқариш саноати етакчилик қилимоқда. Ушбу тармокда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 616,8 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 51,5 фоизи ўзлаштирилган. Шундан 359,8 млрд. сўм, ёки инвестицияларнинг 30,0 фоизи тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун йўналтирилган.

Шунингдек, асосий капиталга инвестицияларнинг энг кўп инвестиция ҳажмлари уй-жой қурилишига 7,9 фоизи, қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалигига 14,5 фоизи, ташиб ва сақлаш хизматларига 3,7 фоизи ва бошқа фаолият турларига 14,1 фоизи тўғри келади.


Турар жой қурилишига инвестициялар ахоли томонидан якка тартибдаги турар-жойлар қурилиши ҳажмлари билан боғлиқ.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби
(2020 йил январь-март, жсамига нисбатан фоизда)**

	млрд. сўм	Умумий ҳажмдаги улуши, фоиз
Жами	1 198,8	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
янги қурилиш	242,4	20,2
кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш	775,4	64,7
бошқа йўналишлар	181,0	15,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби бўйича умумий ҳажмидан янги 242,4 млрд. сўм ёки 20,2 фоизи, кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга 775,4 млрд. сўм ёки 64,7 фоизи ва бошқа йуналишларга 181,0 млрд. сўм ёки 15,1 фоизи тўғри келади.

Асосий капиталга инвестицияларнинг тақорор ишлаб чиқариш таркиби
(жамига нисбатан фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар
(январь-март)

	млрд. сўм	Жамига нисбатан улуши, фоизда	
		2019 йил	2020 йил
Асосий капиталга инвестициялар - жами	1 198,8	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	173,3	15,5	14,5
ТОҒ - кон саноати	11,7	0,3	1,0
ишлаб чиқариш саноати	616,8	36,6	51,4
электр, газ, буф билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	40,2	3,3	3,4
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиликларни йиғиши ва утилизация қилиш	6,0	1,8	0,5
қурилиш	23,1	1,6	1,9

давоми

	<i>млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, фоизда</i>	
		<i>2019 йил</i>	<i>2020 йил</i>
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	32,3	2,9	2,7
ташиш ва сақлаш	44,0	4,9	3,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	23,6	1,8	2,0
ахборот ва алоқа	26,6	0,3	2,2
молия ва суғурта фаолияти	5,9	0,8	0,5
таълим	32,4	4,6	2,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	32,5	4,2	2,7
жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	95,5	13,4	7,9
бошқа фаолият турлари	34,9	8,0	2,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: ишлаб чиқариш саноатида 616,9 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидағи улуши 51,4 фоиз), тўқимачилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш 359,8 млрд. сўм (30,0 фоиз), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 50,2 млрд. сўм (4,2 фоиз), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 167,7 млрд. сўм (14,0 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 40,2 млрд. сўм (3,4 фоиз), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 6,0 млрд. сўм (0,5 фоиз), қурилиш фаолияти турида 23,1 млрд. сўм (1,9 фоиз), ташиш ва сақлаш фаолият турида 44,0 млрд. сўм (3,7 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 32,3 млрд. сўм (2,7 фоиз), ахборот ва алоқа фаолият турида 26,6 млрд. сўм (2,2 фоиз), таълим соҳасида 32,4 млрд. сўм (2,7 фоиз), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 94,5 млрд. сўм (7,9 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар


2020 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 482,1 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 мартаға ўсди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 40,2 фоизни ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Хўжаобод туманида 28,9 %, Андикон шаҳрида 23,7 % ва Асака туманида 8,9 % кузатилди.

Худудлар бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар (2020 йил январь-март ҳолатига млрд. сўм)

	Жами инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:		Тўғридан- тўғри ва бошقا инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:	
		инвестиция	кредит		инвестиция	кредит
Вилоят бўйича	482,1	154,2	327,9	412,8	154,2	258,6
шаҳарлар:						
Андикон	114,4	43,9	70,5	91,9	43,9	48,0
Хонобод	31,9	28,7	3,2	28,7	28,7	-
туманлар:						
Андикон	10,5	10,5	-	10,5	10,5	-
Асака	43,1	21,5	21,6	21,5	21,5	-
Балиқчи	14,3	14,3	-	14,3	14,3	-
Бўйстон	11,4	-	11,4	11,4	-	11,4
Булоқбоши	14,3	9,5	4,8	14,3	9,5	4,8
Жалалқудук	1,4	1,4	-	1,4	1,4	-
Избоскан	1,4	1,4	-	1,4	1,4	-
Улугнор	17,6	1,4	16,2	17,6	1,4	16,2
Марҳамат	9,5	6,7	2,8	9,5	6,7	2,8
Олтинкўл	4,8	4,8	-	4,8	4,8	-
Пахтаобод	22,6	0,6	22,0	0,6	0,6	-
Хўжаобод	139,2	5,7	133,5	139,2	5,7	133,5
Шахрихон	3,8	3,8	-	3,8	3,8	-
Кўргонтепа	41,9	-	41,9	41,9	-	41,9

Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш (млн. АҚШ доллари)



Ўзлаштирилган жами ҳорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 51,3 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 43,4 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа ҳорижий инвестиция ва кредитларни, ёки жами ҳорижий инвестиция ва кредитларнинг 84,6 фоиз ташкил этди.

Тўғридан-тўғри ва бошқа ҳорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2020 йилнинг январь-мартида 412,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 марта ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган ҳорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2020 йил январь-март ойларида)

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган ҳорижий инвестиция ва кредитлар	482,1	14,4	85,6

Жами асосий капиталга киритилган ҳорижий инвестиция ва кредитлар

482,1

14,4

85,6

шу жумладан:

давлат

8,9

100,0

-

нодавлат

473,2

12,8

87,2

Ҳисобот даврида Андижон вилояти бўйича нодавлат секторга киритилган ҳорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами ҳорижий инвестиция ва кредитлардаги улуси 98,2 фоизни ташкил қилди.

**Ҳорижий инвестиция ва кредитларнинг
алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
(умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Ҳорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги жами инвестиция ҳажмини 14,6 фоизини ташкил қилди ва 2019 йилнинг январь-мартига 11,8 % га ўсди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарадиган саноат 66,5 фоизни ташкил қилди ва ўз навбатида 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 5,9 фоизга камайган. 2020 йилнинг январь-март ойларида киритилган ҳорижий инвестицияларнинг катта улуси, ишлаб чиқарадиган саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаларига тўғри келди, яъни ҳорижий инвестиция ва кредитларнинг 81,1 фоизи ушбу соҳаларга киритилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2020 йил январь-март ойларида умумий майдони 97,8 минг кв.м. бўлган 724 та уй-жой, шу жумладан қишлоқ жойларида 65,2 минг кв.м. майдонга эга бўлган 457 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 94,5 млрд. сўм ёки 7,9 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш (2020 йил январь-март ойлари)

	<i>Барча молиялаштириши манбалари ҳисобидан:</i>			
	<i>Ишга туширилди</i>		<i>2019 йилнинг мос даврига нисбатан фоизда</i>	
	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>
Турар жойлар умумий майдони, минг кв.м.	97,8	65,2	117,4	120,0
улардан: якка тартибдаги турар жойлар	97,8	65,2	117,4	120,0
наъмунавий лойихалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	-	-	-	-
Касалхоналар, ётоқ	-	-	-	-
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), қатнов	-	-	-	-
Умумтаълим ва иҳтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	-	-	-	-
Умумтаълим ва иҳтисослаш- тирилган мактабларни капитал тамирлаш, бирлик	-	-	X	X
Мактабгача таълим муассасалари, ўрин	-	-	-	-
Сув тармоғи, км	5,3	5,3	5,5	5,6
Газ тармоғи, км	-	-	-	-

Худудлар бўйича ишга туширилган турар жойлар
(2020 йилнинг январь-мартида)

	Ишга туширилди, жами		Улардан: якка тартибдаги турар жойлар	
	минг кв.м	2019 йил январь-мартга нисбатан фоизда	минг кв.м	2019 йил январь-мартга нисбатан фоизда
Вилоят бўйича	97,8	117,4	97,8	117,4
шахарлар:				
Андижон	17,2	122,9	17,2	122,9
Хонобод	1,1	68,7	1,1	68,7
туманлар:				
Андижон	10,9	128,2	10,9	128,2
Асака	5,9	134,1	5,9	134,1
Балиқчи	3,0	130,4	3,0	130,4
Бўстон	2,8	147,4	2,8	147,4
Булоқбоши	3,3	57,9	3,3	57,9
Жалалқудук	4,8	104,3	4,8	104,3
Избоскан	1,6	160,0	1,6	160,0
Улугнор	1,6	106,6	1,6	106,6
Марҳамат	7,8	181,4	7,8	181,4
Олтинкўл	7,2	112,5	7,2	112,5
Пахтаобод	3,8	131,0	3,8	131,0
Хўжаобод	9,2	110,8	9,2	110,8
Шахрихон	10,2	113,3	10,2	113,3
Кўрғонтека	6,6	95,6	6,6	95,6

2020 йил январь-март ойларида умумий майдони 97,8 минг кв.м. бўлган 724 та уй-жой, шу жумладан қишлоқ жойларида 65,2 минг кв.м. майдонга эга бўлган 457 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар хажмидан 94,5 млрд. сўм ёки 7,9 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусика ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари фаолиятида 32,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,7 фоизни ташкил қиласди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятида 32,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,7 фоизини ташкил этди.

Коммунал қурилиш соҳасида 5,3 км узунликдаги ичимлик суви ишга туширилди, бу 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан мос равища 5,5 фоизни ташкил қиласди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ахоли маблағлари хисобига 52,5 млн. сўм, миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш ишлари

2020 йил январь-март ойларида вилоятда 791,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,1 фоизни ташкил этди.

Хусусан, йирик пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари ҳажми 31,9 млрд. сўм ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 90,2 фоизни ташкил этди.


Шу жумладан Пахтаобод туманида қурилиш пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар ҳажми 22,3 млрд. сўм, ўсиш суръати 135,8 фоиз, Андижон туманида қурилиш пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар ҳажми 92,4 млрд. сўм, ўсиш суръати 111,2 фоиз, Хўжаобод туманида қурилиш пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар ҳажми 23,7 млрд. сўм, ўсиш суръати 111,4 фоизни ташкил этди.

**Худудлар кесимида қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь-март ойларида)**

	Жами, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жамига нисбатан фоизда		
			давлат	нодавлат	шундан хусусий
Вилоят бўйича:	791,7	106,1	5,7	94,3	13,6
шаҳарлар:					
Андижон	343,6	107,4	27,3	72,7	6,3
Хонобод	26,8	104,4	-	100,0	6,5
туманлар:					
Андижон	92,4	111,2	8,3	91,7	14,6
Асака	28,8	103,0	4,2	95,8	23,1
Балиқчи	13,3	100,0	4,2	95,8	24,2
Бўйстон	31,5	108,2	4,2	95,8	8,0
Булокбоши	9,8	78,5	4,2	95,8	35,1
Жалакудук	21,9	100,0	11,6	88,4	28,3
Избоскан	23,4	112,0	4,2	95,8	6,8
Улуғнор	12,2	76,6	6,8	93,2	26,7
Марҳамат	32,0	107,1	4,2	95,8	26,2
Олтинкўл	33,1	104,8	4,2	95,8	20,2
Пахтаобод	22,3	135,8	4,2	95,8	20,1
Хўжаобод	23,7	111,4	4,2	95,8	40,4
Шаҳрихон	53,1	100,1	4,2	95,8	19,4
Кўргонтепа	23,8	100,1	4,2	95,8	29,6

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 746,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,3 фоизни (2019 йил январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 107,3 фоизни) ташкил қилди.


Худудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати
(2020 йил январь-март ойларида, фоизда)




Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуидаги туманларда кузатилди: Пахтаобод туманида 135,8 фоиз ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 33,9 фоиз пунктга кўпайди, мос равишда Андикон туманида 111,2 фоиз (4,4 фоиз кўпайган), Андикон шаҳрида 107,4 фоиз (5,2 фоиз кўпайган), Хўжаобод туманида 111,4 фоиз (82,7 фоиз) пунктга камайган.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз қучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажсмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2019 йил январь-март



2020 йил январь-март



■ Давлат мулки
■ Хўжалик бирлашмалари мулки

■ Фуқоролар хусусий мулки
■ Бошқа мулкчилик шакллари

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми

(2020 йил январь-март, млрд. сўм)

	Қурилиш ишлари, хизматлар жасами	шу жумладан иқтисодий фаолият турлари:		
		Бино ва иншиоотлар қурилиши	Фуқаролик қурилиши объектлари	Ихтисослаши- тирилган қурилиш ишлари
Вилоят бўйича		791,7	567,7	74,3

шу жумладан:

Йирик корхоналар томонидан	28,2	4,5	2,1	21,6
----------------------------------	------	-----	-----	------

Кичик бизнес
ва хусусий
тадбиркорлар

томунидан

763,5


563,2

72,2

128,1

Вилоятда бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий қисми бино ва иншиоотлар қурилиши (567,7 млрд. сўм) га тўғри келиб, вилоят умумий ҳажмида 71,7 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари (млрд. сўм)



Хисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 567,7 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 114,1 фоизни, мос равища, фуқаролик қурилиши обьектлари бўйича қурилиш ҳажми 74,3 млрд. сўмни (ёки 86,2 фоизни), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 149,7 млрд. сўм (ёки 92,1 фоизни) ташкил қилди.

Шу билан бирга, фуқаролик қурилиши (74,3 млрд. сўм) обьектлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари вилоят умумий ҳажмининг 9,4 фоизни ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш (149,7 млрд. сўм) ишлари 18,9 фоизни ташкил этди.

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми жами қурилиш ишларининг 623,8 млрд. сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,5 фоизга ўсди. Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмалар асосан сотиш учун турар жойлар қуриш, автомобил йўлларини янги қурилиши, реконструкция ва таъмирлаш, ижтимоий соҳа обьектлари, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган ва арzonлаштирилган уй-жойлар қурилишида ўз фаолиятини амалга оширмоқдалар.

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ¹⁾

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан фойда солиги тўлагунга қадар фойда 203,2 млрд. сўм. миқдорда якуний молиявий натижада олинди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари (2020 йилнинг январь-февраль ойларида)

	<i>Фойда, зарар (-), млн. сўм</i>	<i>2019 йилнинг январь-февралига нисбатан фоизда</i>
Жами	203 188,4	35,5
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	-8 469,4	-
Ишлаб чиқарадиган саноат	203 530,0	36,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	3 916,2	5,1
Сув билан таъминлаш	-4 272,6	-
Курилиш	2 415,8	104,4
Улгуржи ва чакана савдо: моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	6 241,7	97,6
Ташиш ва сақлаш	-647,7	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	29,4	94,3
Кўчмас мулк билан операциялар	312,7	46,3
Профессионал, илмий ва техник фаолият	82,3	56,3
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	-238,1	-
Таълим	207,1	69,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	81,2	129,6

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишилоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деёқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микро фирмаларсиз.

Худудлар кесимида якуний молиявий натижалари
(2020 йилнинг январь-февраль ойларида)


	<i>Фойда, зарар (-), млн. сўм</i>	<i>2019 йилнинг январь-февралига нисбатан фоизда</i>
Вилоят бўйича:	203 188,4	35,2
<i>шаҳарлар</i>		
Андижон	-42 458	-
Хонобод	854	48,7
<i>туманлар:</i>		
Андижон	182,9	75,2
Асака	241 431,3	40,7
Балиқчи	92,4	98,4
Бўстон	802,4	91,4
Булоқбоши	52,1	-
Жалақудук	172,3	114,0
Избоскан	50,3	110,9
Улуғнор	70,8	36,5
Марҳамат	43,6	82,1
Олтинкўл	1 186,2	123,2
Пахтаобод	2,5	40,8
Хўжаобод	422,7	73,8
Шаҳрихон	136,2	89,7
Кўрғонтипа	146,7	3,7 м.

Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Асака тумани 241,4 млрд. сўм, Олтинкўл тумани 1,2 млрд. сўмга тўғри келади.

Заарлар. 2020 йилнинг январь-февраль ойларида 17 та корхона ва ташкилотлар 60,3 млрд. сўм заар билан фаолиятини яқунлади.

Заарнинг асосий қисми “Узавтосаноат” АЖ 45,5 млрд. сўм (75,5 %), “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш” 4,4 млрд. сўм (7,3 %) ва 10,4 млрд. сўм (17,2 %) юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирмаган корхоналар хиссасига тўғри келди.

Заар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари
(2020 йилнинг январь-февралида, жамига нисбатан фоизда)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг
молиявий натижалари**
(2020 йилнинг январь-февралида)

Корхоналар сони	Зарар суммаси	
	млн. сўм	жамига нисбатан фоизда
Жами	17	60 308,1
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	1	8 512,7
Ишлаб чиқарадиган саноат	9	46 110,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1	101,6
Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	2	309,8
Ташиш ва саклаш	2	728,7
Сув билан таъминлаш	1	4 306,5
Бошқариш бўйича фаолият	1	238,1

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг
молиявий натижалари**
(2020 йилнинг январь-февраль ойларида, жамига нисбатан фоизда)



Заарларнинг асосий қисми Ишлаб чиқарадиган саноат 46 110,7 млн. сўм (жами заарарнинг 76,5 %), Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш 8 512,7 млн. сўм (14,1 %), Сув билан таъминлаш 4306,5 млн. сўм (7,1 %), Ташиб ва сақлаш 728,7 млн. сўм (1,2 %), Улгуржи ва чакана савдо 309,8 млн. сўм (0,5 %), Бошқариш бўйича фаолият 238,1 млн. сўм (0,4 %), Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 101,6 млн. сўм (0,2 %)

Худудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий

натижалари

(2020 йилнинг январь-февралида)

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн. сўм</i>
Вилоят бўйича:	17	100	60 308,1
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	15	98,4	59 364,4
Хонобод	1	1,4	835,3
<i>туманлар:</i>			
Андижон	1	0,2	108,4
Асака	-	-	-
Балиқчи	-	-	-
Бўстон	-	-	-
Булоқбоши	-	-	-
Жалақудук	-	-	-
Избоскан	-	-	-
Улуғнор	-	-	-
Марҳамат	-	-	-
Олтинқўл	-	-	-
Пахтаобод	-	-	-
Хўжаобод	-	-	-
Шахрихон	-	-	-
Кўрғонтекепа	-	-	-

Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарздорлиги ҳолати¹⁾

2020 йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 4 967,7 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган 24,6 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,5 фоизи.


Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2019 йилнинг 1 марта нисбатан солиширганимизда 139,8 % га купайган, жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 2 453,4 млрд. сўмга қўпайган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби (2020 йил 1 март ҳолатига)

	Жами, млн. сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, % да
		харидор ва буюртма- чилар	етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилиган аванслар	ички идоравий	
Жами иқтисодий фаолият турлари бўйича	24 583,4	7 004,3	3 768,7	50,3	100
Ишлаб чиқарадиган саноат	21 305,2	3 752,1	3 768,7	50,3	86,6
Электр, газ, буғ билин таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	2 353,2	2 327,2	-	-	9,6
Сув билан таъминлаш: канализация тизими, чикиндиларни йигиш ва утилизация килиш	925,0	925,0	-	-	3,8
Профессионал, илемий ва техник фаолият	-	-	-	-	-

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишилаб чиқарувчи қишлоқ ҳўжалик корхоналари, фермер ва дехқон ҳўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микро фирмаларсиз.


Вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги
 (2020 йил 1 март ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп дебитор қарздорлиги "UZAUTO MOTORS" АЖ 4 147,5 млрд. сўм (83,5 %), "Uz-SaeMyungCo" АЖ 45,1 млрд. сўм (0,9 %), "Андижон худудий электр тармоклари корхонаси" АЖ 205,8 млрд. сўм (4,5 %), "ANDIJON NEFT BAZASI" МЧЖ 32,9 млрд. сўм (0,7 %) ва Бошқалар 536,4 млрд. сўм (10,8 %) кузатилмоқда.

2020 йил 1 март ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 12812,3 млрд. сўм, ундан муддати ўтган 39,6 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 0,3 % ни ташкил этди.

Вазирлик ва идораларнинг кредитор қарздорлиги
 (2020 йил 1 март ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби
(2020 йил 1 март ҳолатига)**

	Жами, млн. сўм	ундан:				Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, % да
		етказиб берув- чилар ва пудрат- чиларга	бюджетга тўловлар	давлат мақсадли фонд- ларига тўловлар	ички идора- вий	
Жами	39 559	33 085,3	717,7	1 697	4,6	100
Ишлаб чиқарадиган саноат	35 128,8	31 657,7	-	-	4,6	88,8
Электр, газ, буғ билин таъминлаш ва хавони кондициялаш	4 430,1	1 427,6	717,7	1 697	-	11,2

VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) нинг сони 30 456 тани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фарқи 118,8 % га ўсган.

2020 йилнинг январь-мартида 1 829 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 % га кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода (43,2 фоиз), саноатда (25,0 фоиз), яшаш ва овқатланишда (7,4 фоиз), қурилишда (7,1 фоиз), қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалигида (4,0 фоиз), ташиш ва сақлаш (3,6 фоиз), ахборот ва алоқа (1,9 фоиз), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (1,9 фоиз), бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш (5,9 фоиз) ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий
фаолият турлари бўйича улуши
(2020 йил январь-март ойларида, фоизда)**




**Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона
ва микрофирмалар, бирликда**

	январь-март 2019 йил	январь-март 2020 йил
Вилоят бўйича:	1 741	1 829
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	522	485
Хонобод	29	44
<i>туманлар:</i>		
Андижон	114	89
Асака	149	201
Балиқчи	82	115
Бўйстон	33	60
Булоқбоши	43	81
Жалақудук	77	114
Избоскан	92	75
Улуғнор	26	24
Марҳамат	78	74
Олтинкўл	80	98
Пахтаобод	86	68
Хўжаобод	64	83
Шаҳрихон	167	118
Қўргонтепа	99	100


2020 йил январь-мартда янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Андижон шаҳри (485 та), Асака (201 та), Шаҳрихон (118 та), Балиқчи (115 та), Жалақудук (114 та) ва Қўргонтепа (100 та) туманларида ташкил этилди. Энг паст кўсаткични Хонобод шаҳри (44 та), Улуғнор туманларида (24 та) ташкил этилган.

**Янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
худудлар бўйича улуши,
(2020 йил январь-март ҳолатига, фоиз ҳисобида)**




2020 йил январь-март ҳолатига худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг қўп улуш Андижон шаҳрида 26,5 фоиз, Асака 11,0 фоиз, Шахриxon 6,5 фоиз, Балиқчи 6,3 фоиз, Жалақудук 6,2 фоиз, Кўргонтепа 5,5 фоиз, Олтинкўл 5,4 фоиз туманларида, энг паст кўрсаткич Хонобод шаҳрида 2,4 фоиз ва Улуг'нор туманида 1,3 фоизни ташкил этди.

**Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда) январь-март ҳолатга**



**Худудлар бўйича 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик корхона
ва микрофирмалар сони**
(2020 йилнинг январь-мартида, бирликда)



2020 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1 000 аҳолига, бирликда) худудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Андижон шаҳри (22,3 бирлик), Улуғнор тумани (19,4 бирлик), Хўжаобод тумани (14,8 бирлик), Бўстон тумани (13,1 бирлик), Хонобод шаҳри (12,9 бирлик), Асака тумани (11,9 бирлик), Балиқчи тумани (11,3 бирлик) га тўғри келади.

Ўртacha кўрсаткич оралиғида (10,7-8,9 бирлик) Марҳамат, Қўргонтепа, Олтинкўл, Жалақудуқ, Андижон ва Пахтаобод туманларига тўғри келади.

Шаҳриҳон (7,8 бирликда), Булоқбоши (7,7 бирликда) ва Избоскан (7,3 бирликда) туманларида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

2018 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 12,0 бирликда бўлиб, 2019 йилнинг шу даврида 12,5 бирликни ташкил этди. 2020 йилда бу кўрсаткич 11,8 бирликка етди. Бу эса, 2018 йил кўрсаткичидан 0,2 бирлик паст.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган
кичик корхона ва микро фирмалар, бирликда**

	2019 йил январь-март	2020 йил январь-март
Жами	1 741	1 829
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	58	73
Саноат	416	457
Қурилиш	189	129
Савдо	803	791
Ташиб ва сақлаш	59	65
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	90	136
Ахборот ва алоқа	22	35
Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	27	35
Бошқа турдаги хизматлар	77	108

**Янги ташкил топган кичик корхона ва микро фирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуси,
(2020 йилнинг январь-март ойларида, фоиз ҳисобида)**



**Худудларнинг жами маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши
(2020 йил январь-март ҳолатига, фоизда)**

	<i>Саноат</i>	<i>Инвестиция</i>	<i>Курилиш</i>	<i>Чакана савдо</i>	<i>Хизматлар</i>
Вилоят бўйича:	19,5	80,4	96,0	89,7	65,8
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон	20,5	69,7	93,5	76,1	35,7
Хонобод	10,1	79,4	100,0	95,7	93,2
<i>туманлар:</i>					
Андижон	63,5	79,8	95,1	92,4	93,2
Асака	1,8	41,6	100,0	96,0	94,7
Балиқчи	100,0	90,3	100,0	97,1	97,8
Бўстон	100,0	95,7	100,0	88,5	92,6
Булоқбоши	100,0	80,1	100,0	97,8	95,0
Жалақудук	87,6	86,2	84,6	98,6	97,7
Избоскан	86,0	86,5	100,0	98,9	96,6
Улуғнор	100,0	97,2	90,1	99,8	96,7
Марҳамат	96,2	66,2	100,0	97,9	98,4
Олтинкўл	57,8	74,5	100,0	95,2	96,0
Пахтаобод	66,6	92,0	100,0	97,8	97,2
Хўжаобод	94,2	97,6	100,0	98,9	97,1
Шаҳрихон	82,9	89,2	100,0	98,0	97,5
Қўрғонтепа	64,0	96,5	98,7	98,9	96,3

Худудлар бўйича кичик бизнеснинг юқори улуши саноат соҳасида Балиқчи, Бўстон, Булоқбоши, Улуғнор (100,0 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Курилиш соҳасида Хонобод шаҳар, Асака, Балиқчи, Бўстон, Булоқбоши, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Хўжаобод ва Шаҳрихон туманлари (100,0 %) ҳиссасига тўғри келди.

Чакана савдода Улуғнор (99,8 %), Хўжаобод, Кўргонтепа, Избоскан (98,9 %), Жалакудуқ (98,6 %), Шахрихон (98,0 %), Пахтаобод ва Булоқбоши (97,8 %) туманларига тўғри келди.

2020 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1 672,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 19,5 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 114,3 фоизни ташкил қилди;


963,7 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 80,4 фоизи) ўзлаштирилди ва ўсиш суръати 2020 йилнинг январь-март даврига нисбатан 123,7 фоизни ташкил қилди;

-759,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 96,0 фоизи) бажарилди ва ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-март даврига нисбатан 106,9 фоизга тенг бўлди;


- чакана товар айланмаси ҳажми 2 848,0 млрд. сўмни (жами чакана товар айланмаси ҳажмининг 89,7 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 104,1 фоизни ташкил қилди;

63,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 50,9 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 70,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 13,0 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб
чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь-март ойларида)**



Худудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Андижон шаҳар (280,1 млрд. сўм), Шаҳрихон (163,6 млрд. сўм), Балиқчи (118,6 млрд. сўм) ва Андижон (111,1 млрд. сўм) туманлари хиссасига тўғри келади.

Хонобод шаҳар (28,8 млрд. сўм), Кўргонтепа (78,9 млрд. сўм), ва Пахтаобод (60,4 млрд. сўм) ушбу туманларида ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**Худудлар бўйича саноат махсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорликнинг улуши, % да
(2020 йил январь-март ойларида)**



**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси
хажми ва ўсиш суръати, % да
(2020 йил январь-март ойларида)**



Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Андижон шаҳар (849,9 млрд. сўм), Асака (312,4 млрд. сўм), Шаҳрихон (311,6 млрд. сўм), Кўрғонтепа (222,4 млрд. сўм) ва Балиқчи (151,1 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да
хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь-март ойларида)**




Худудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Андижон шаҳар (468,1 млрд. сўм), Асака (146,8 млрд. сўм), Шаҳрихон (144,8 млрд. сўм), Андижон (120,5 млрд. сўм) ва Избоскан (109,2 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2020 йил 1-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувда 221 та респондентлар қатнашди.

Кузатув маълумотлари таҳлили саноатда респондентларнинг 37,5 % иқтисодий вазиятни қулай ва 62,5 % эса қониқарли деб ҳисобланишини, мос равишда савдо соҳасида – 39,0 % ва 54,7 %, қурилиш соҳасида – 38,5 % ва 53,8 % хизматлар соҳасида – 38,8 % ва 53,0 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 0,0 % ва 87,5 % ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар қурилишда – 7,7 %, савдода – 6,3 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига – 12,5 %, хизматларда – 8,2 % ни ташкил қилди.

Иқтисодий вазиятни баҳолаш (2020 йил январь-март ҳолатига)



Иқтисодий вазият яхшиланиши яқин уч ойда 62,5 % - саноат корхоналари, 63,2 % – савдо, 65,3 % – хизматлар, 12,5 % – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 53,8 % – курилиш тармоғида кутилмоқда.

Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганини хулоса қилиш мумкин.

VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) 35 577 тага етди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 990 тага ёки 16,3 % ошган ва фаолият кўрсатаётгандарни сони эса 32 000 тани ташкил қилди бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 747 тага ёки 9,4 % га ошган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаши ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўtkазувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришиномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.


Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Андижон шаҳрида 11 470 та (32,2 %), Асака 3 202 та (9,0 %), Андижон 2 534 та (7,1 %), Шаҳрихон 2 516 та (7,1 %), Кўргонтепа 1 819 та (5,1 %), Олтинқўл 1 809 та (5,1 %), Избоскан 1 738 та (4,9 %), Балиқчи 1 673 та (4,7 %) ва Марҳамат 1 630 та (4,6 %) туманлари хиссаларига тўғри келади.

Рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётгандарни худудлар бўйича тақсимланиши (2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра)

	Рўйхатдан ўтганлар		Фаолияткўрсатаётгандар	
	бирлик	жамига нисбатан% да	бирлик	жамига нисбатан% да
Вилоятбўйича:	35 577	100,0	32 000	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Андижон	11 470	32,2	11 011	34,4
Хонобод	659	1,9	644	2,0
<i>туманлар:</i>				
Андижон	2 534	7,1	2 040	6,4
Асака	3 202	9,0	3 016	9,4

	давоми			
	Рўйхатдан ўтганлар		Фаолиятқўрсатаётганлар	
	бирлик	жамига нисбатан% да	бирлик	жамига нисбатан% да
Балиқчи	1 673	4,7	1 539	4,8
Бўстон	920	2,6	725	2,3
Булоқбоши	1 013	2,8	891	2,8
Жалақудук	1 392	3,9	1 186	3,7
Избоскан	1 738	4,9	1 384	4,3
Улуғнор	668	1,9	538	1,7
Марҳамат	1 630	4,6	1 306	4,1
Олтинкўл	1 809	5,1	1 464	4,6
Пахтаобод	1 273	3,6	1 232	3,8
Хўжаобод	1 261	3,5	1 209	3,8
Шаҳриҳон	2 516	7,1	2 223	6,9
Кўргонтепа	1 819	5,1	1 592	5,0

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг худудлар бўйича улуси, %
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг 27,8 %), саноат (21,3 %), қурилиш (8,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (6,2 %) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра)**

	Рўйхатдан ўтганлар		Фаолияткўрсатаётганлар	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Жами	35 577	100,0	32 000	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 210	6,2	1 795	5,6
Саноат	7 592	21,3	6 852	21,4
Қурилиш	3 072	8,6	2 809	8,8
Савдо	9 893	27,8	8 656	27,1
Ташиб ва сақлаш	1 309	3,7	1 213	3,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 918	5,4	1 692	5,3
Ахборот ва алоқа	636	1,8	524	1,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	814	2,3	774	2,4
Бошқа фаолият турлари	8 133	22,9	7 685	24,0


Охирги 5 йиллик яъни 2016 йил 1 апрель ҳолатига кўра рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони (фермер ва дехқон хўжаликларсиз) 28 587 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда 35 577 тани ташкил этмоқда.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра 32 000 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 2 747 та (9,4 фоиз) га ошган.


Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 89,9 фоизни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 10,1 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнингшу даврига нисбатан таққосланганда 5,7 фоизга кўпайган.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, % да

01.04.2019 йил



01.04.2020 йил



■ Фаолият кўрсатаётганлар

■ Фаолиятсизлар

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,% да (2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 27,1 фоизи савдо, 21,4 фоизи саноат, 8,8 фоизи қурилиш, 5,6 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 5,3 фоизи яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 3,8 фоизи ташиш ва сақлаш, 2,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,6 фоизи ахборот ва алоқа ҳамда 24,0 фоизи бошқа фаолият турлари хиссасига тўғри келади.

Рўйхатта олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича


тақсимланиши, бирлика

(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

	Жами, бирлик	Давлат	Жамига нисбатан %	Нодавлат	Жамига нисбатан %
Вилоят бўйича:	35 577	3 023	8,5	32 554	91,5
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон	11 470	439	3,8	11 031	96,2
Хонобод	659	56	8,5	603	91,5
<i>туманлар:</i>					
Андижон	2 534	215	8,5	2 319	91,5
Асака	3 202	242	7,6	2 960	92,4
Балиқчи	1 673	198	11,8	1 475	88,2
Бўстон	920	111	12,1	809	87,9
Булоқбоши	1 013	133	13,1	880	86,9
Жалақудук	1 392	190	13,6	1 202	86,4
Избоскан	1 738	206	11,9	1 532	88,1
Улуғнор	668	95	14,2	573	85,8
Марҳамат	1 630	164	10,1	1 466	89,9
Олтинкўл	1 809	175	9,7	1 634	90,3
Пахтаобод	1 273	183	14,4	1 090	85,6
Хўжаобод	1 261	138	10,9	1 123	89,1
Шаҳрихон	2 516	245	9,7	2 271	90,3
Қўргонтепа	1819	233	12,8	1 586	87,2

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 91,5 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 19,9 фоизи хусусий корхоналар, 5,9 фоизи оилавий корхоналар, 66,3 фоизи масъулияти чекланган жамиятлари, 7,9 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.


Фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналарининг ташкилий хуқуқий шакллари бўйича таҳсиланиши, бирликда



2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра 27 161 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 5 029 та, оилавий корхоналар – 1 779 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 19 817 ва 536 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

2020 йилнинг январь-март ойларида жами 1 884 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, 2019 йилнинг шу давридаги 1 811 тага нисбатан 73 та кўпроқни ташкил қилди. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Андижон шаҳрида (498 та), Асака (206 та), Шахрихон (124 та), Жалақудук (117 та), Балиқчи (117 та), Кўрғонтепа (102 та) ва Олтинкўл (100 та) туманларига тўғри келади. Энг ками эса Улуғнор тумани (27 та), Хонобод шаҳри (46 та), Бўстон (62 та) ва Пахтаобод (72 та) туманларига тўғри келади.

**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони,
(2020 йил январь-март ойларида, бирликда)**




Вилоятимизда январь-март ойларида янги ташкил этилган юридик шахслар сони (фермер ва дехқон хўжаликларсиз) 2016 йилда 609 тани, 2017 йилда 923 тани, 2018 йилда 1 178 тани, 2019 йил 1 811 тани ва 2020 йилнинг январь-мартида 1 884 тани ташкил қиласди.

Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)

	2018 йил январь-март		2019 йил январь-март		2020 йил январь-март	
	умумий сони	улуши, фоиз	умумий сони	улуши, фоиз	умумий сони	улуши, фоиз
Жами вилоят бўйича	1 178	100,0	1 811	100,0	1 884	100,0
Савдо	193	16,4	804	44,4	791	42,0
Саноат	244	20,7	417	23,0	470	24,9
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	64	5,4	58	3,2	74	3,9
Курилиш	131	11,1	189	10,4	129	6,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	35	3,0	90	5,0	136	7,2
Ташиб ва сақлаш	76	6,4	59	3,3	65	3,5
Ахборот ва алоқа	29	2,5	22	1,2	35	1,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	60	5,1	27	1,5	35	1,9
Бошқа турлар	346	29,4	145	8,0	149	7,9

Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуси, % да
(2020 йил январь-март ойлари)



**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
худудлар бўйича сони**
(фермер ва дэҳқон хўжаликларидан ташқари)


	2019 йил 1 апрель ҳолатига қўра		2020 йил 1 апрель ҳолатига қўра	
	Бирлик	Жамига нисбатан % да	Бирлик	Жамига нисбатан % да
Вилоятбўйича:	24 407	100,0	27 026	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Андижон	8 632	35,4	9 882	36,6
Хонобод	369	1,5	544	2,0
<i>туманлар:</i>				
Андижон	1 663	6,8	1 756	6,5
Асака	2 325	9,5	2 618	9,7
Балиқчи	1 219	5,0	1 237	4,6
Бўстон	566	2,3	552	2,0
Булоқбоши	576	2,4	703	2,6
Жалақудук	864	3,5	900	3,3
Избоскан	1 109	4,5	1 119	4,1
Улугнор	439	1,8	383	1,4
Марҳамат	1 089	4,5	1 066	3,9
Олтинкўл	1 293	5,3	1 194	4,4
Пахтаобод	768	3,2	972	3,6
Хўжаобод	816	3,3	992	3,7
Шаҳрихон	1 600	6,6	1 851	6,9
Кўрғонтепа	1 079	4,4	1 257	4,7

2020 йил 1 апрель ҳолатига қўра вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 27 026 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 10,7 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 9 882 таси (жами субъектларининг 36,6 %) Андижон шаҳрига, 2 618 таси (9,7 %) Асака, 1 851 таси (6,9 %) Шаҳрихон ҳамда 1 756 таси (6,5 %) Андижон туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 383 таси (1,4 %) Улугнор, 544 таси (2,0 %) Хонобод шаҳрига, 552 таси (2,0 %) Бўстон, 703 таси (2,6 %) Булоқбоши туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда
(2020 йил 1 апрель ҳолатига, фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)**



Фаолият кўрсатаётган жами 27 026 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 8 630 таси (31,9 %) -савдода, 6 783 таси (25,1 %) -саноатда, 2 804 таси (10,4 %) -курилишда, 1 761 таси (6,5 %) - кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига, 1 686 таси (6,2 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 1 200 таси (4,5 %) -ташиш ва сақлашда, 697 таси (2,6 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида, 518 таси (1,9 %) ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 2 947 таси (10,9 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа соҳаси фаолият турларига тўғри келади.

2020 йил январь-март ойларида 265 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тутатилган бўлиб, улардан 254 таси ёки 95,8 фоизи кичик тадбиркорлик субъектлари.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 316 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71 тага ёки 29,0 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 168 таси қўшма корхоналар, 148 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
худудлар бўйича сони ва улуши
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра)**

	<i>Pўйхатдан ўтган</i>		<i>Фаолият қўрсатаётган</i>	
	<i>Бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>	<i>Бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
Вилоят бўйича:	334	100,0	316	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Андижон	129	38,6	126	39,9
Хонобод	15	4,5	15	4,8
<i>туманлар:</i>				
Андижон	28	8,3	25	7,9
Асака	18	5,4	18	5,7
Балиқчи	9	2,7	8	2,5
Бўстон	8	2,4	8	2,5
Булоқбоши	12	3,6	11	3,5
Жалақудук	10	3,0	8	2,5
Избоскан	9	2,7	8	2,5
Улуғнор	5	1,5	5	1,6
Марҳамат	14	4,2	13	4,1
Олтинкўл	19	5,7	18	5,7
Пахтаобод	7	2,1	7	2,2
Хўжаобод	14	4,2	14	4,5
Шаҳрихон	27	8,1	24	7,6
Қўргонтепа	10	3,0	8	2,5

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият қўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Андижон шаҳрида 126 та (жамидаги улуши 39,9 фоиз), Андижон туманида 25 та (7,9 фоиз) ва Шаҳрихон туманида 24 та (7,6 фоиз) ташкил этган. Энг ками Улуғнор туманида 5 та (1,6 фоиз), Пахтаобод туманида 7 та (2,2 фоиз), Балиқчи, Бўстон, Жалақудук, Избоскан, Қўргонтепа туманларида 8 тадан (2,5 фоиз) ҳамда Булоқбоши туманида 11 тани (3,5 фоиз) ташкил этади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалий ишларни янада жонлантириш ҳамда ривожлантириш лозимлигини күрсатмоқда.

**Фаолият күрсатаётган ҳорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра)**

	<i>Бирлик</i>	<i>Якунга нисбатан фоизда</i>
Жами	316	100,0
<i>ишу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	26	8,2
саноат	184	58,2
қурилиш	20	6,3
савдо	37	11,7
ташиш ва сақлаш	2	0,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	9	2,9
ахборот ва алоқа	5	1,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	5	1,6
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	28	8,9

Фаолият кўрсатаётган 316 та ҳорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 184 таси (58,2 %) саноат, 37 таси (11,7 %) савдо, 26 таси (8,2 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 20 таси (6,3 %) қурилиш, 9 таси (2,9 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 5 таси (1,6 %) ахборот ва алоқада, 5 таси (1,6 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 2 таси (0,6 %) ташиш ва сақлашда ҳамда 28 таси (8,9 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган ҳорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат, савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган ҳорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг
худудлар кесимидағи сони ва улуши
(2020 йил январь-март ойларида)**

	<i>Бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Вилоятбўйича:	19	100,0
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	10	52,6
Хонобод	-	-
<i>туманлар:</i>		
Андижон	1	5,3
Асака	1	5,3
Балиқчи	-	-
Бўстон	-	-
Булоқбоши	-	-
Жалакудук	1	5,3
Избоскан	-	-
Улуғнор	-	-
Марҳамат	2	10,5
Олтинқўл	2	10,5
Пахтаобод	-	-
Хўжаобод	-	-
Шаҳрихон	2	10,5
Кўрғонтепа	-	-

Янги (19 та) ташкил этилган ҳорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми Андижон (10 та) шаҳри ҳамда Марҳамат, Олтинқўл, Шаҳрихон (2 тадан) туманлари ҳиссаларига тўғри келди. Ҳорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган худудлар каторига Андижон, Асака, Жалакудук (1 тадан) туманлари кирса, Хонобод шаҳри, Балиқчи, Бўстон, Булоқбоши, Избоскан, Улуғнор, Пахтаобод, Хўжаобод, Кўрғонтепа туманларида ташкил этилмаган.

**Янги ташкил этилган ҳорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш динамикаси, бирликда**

	2019 йил январь-март		2020 йил январь-март	
	Жами	Умумий сонига нисбатан, фоиз	Жами	Умумий сонига нисбатан, фоиз
Жами	21	100,0	19	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
кишлoк, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3	14,3	1	5,3
саноат	9	42,9	8	42,1
курилиш	4	19,0	1	5,3
савдо	3	14,3	2	10,5
ташиш ва сақлаш	-	-	-	-
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	-	-	2	10,5
ахборот ва алоқа	2	9,5	-	-
соғлиқни сақлаш ва иҗтимоий хизматлар кўрсатиш	-	-	2	10,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	-	-	3	15,8

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган ҳорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат 8 та (жами янги ташкил этилганга нисбатан 42,1 %), бошқа турдаги хизматлар кўрсатишида 3 та (15,8 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳамда соғлиқни сақлаш ва иҷтимоий хизматлар кўрсатишида 2 тадан (10,5 %) соҳаларига тўғри келмоқда. Энг ками эса қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда курилиш 1 тадан (5,3 %) соҳаларига тўғри келади. Ташиш ва сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа соҳаларида ҳорижий капитал иштироқидаги янги корхоналар ташкил этилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра ҳорижий капитал иштироқидаги фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 18 та бўлиб, булар Андижон шаҳри, Андижон, Шаҳрихон туманларида (3 тадан), Жалақудук, Кўрғонтепа туманларида (2 тадан) ҳамда Балиқчи, Булоқбоши, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл туманларида (1 тадан) дир.

Оилавий корхоналар. 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 1 934 тани ташкил этиб, улардан 1 779 таси ёки 92,0 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртacha 3,0 мартага ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши (фоиз)
(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра)



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 36,3 фоиз ёки 646 таси саноат, 29,4 фоиз ёки 523 таси савдо, 15,9 фоиз ёки 283 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 8,2 фоиз ёки 146 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 0,8 фоиз ёки 15 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 0,7 фоиз ёки 13 таси курилиш, 0,7 фоиз ёки 12 таси ахборот ва алоқа, 0,5 фоиз ёки 8 таси ташиб ва сақлаш ҳамда 7,5 фоиз ёки 133 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра энг кўпি саноат, савдо ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари, энг ками эса ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.


VIII. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Хизматлар соҳасида 20,5 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,5 % га кўпайди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Хизматлар соҳасига таалуқли фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, бирликда


(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 2020 йил 1 апрель ҳолатига



Маълумот учун: 2020 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 1,8 мингтага кўпайди. Ушбу соҳада фаолият юритаётган ва кичик бизнес субъектларига тегишли корхоналар ва ташкилотлар сони 1,7 мингтага кўпайди.

Энг юқори ўсиш савдо фаолияти билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотларда қайд этилиб, 12,9 % ни ташкил этди. Уларнинг сони 1,0 мингтага кўпайди. Шу билан бирга, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар 23,1 % га ошганлиги қайд этилиб, 0,3 мингтага ортди.

2020 йил 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг улуси, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2020 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида энг юқори улусни савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар 42,1 % ташкил этди.

Яшаш ва овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуси 8,2 % ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланा�ётган корхона ва ташкилотларнинг улуси 5,9 % га етди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуси 3,8 % ни ташкил этди.


Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар улуси 2,6 % га teng бўлди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор
хизматларнинг ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь-март ойлари учун)**

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами – хизматлар	2 604,6	111,1	100,0
<i>жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	133,3	116,0	5,1
молиявий хизматлар	541,3	144,4	20,8
транспорт хизматлари	534,8	101,9	20,5
